

РАҲБАРИЙ ҲУЖЖАТ

**Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида
давлат назоратини ташкил қилиш ва ўтказиш
тартиби**

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Тошкент

Сўз боши

1 Ўзбекистон Республикасида почта ва телекоммуникациялар хўжалик юритувчи субъектлари фаолияти устидан давлат назорати бўйича Давлат алоқа инспекцияси томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

2 Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Телекоммуникация технологиялари ва хизматлари бўлими ҳамда Почта технологиялари ва хизматлари бўлими томонидан КИРИТИЛГАН

3 Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2011 йил 16 ноябрдаги 343–сон буйруғи билан ТАСДИҚЛАНГАН

4 RH 45.028-2005 ЎРНИГА

5 Ушбу ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунларининг нормалари амалга оширилган

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг рухсатсиз тўлиқ ёки қисман қайта ишланиши, кўпайтирилиши ва тарқатилиши мумкин эмас

Мундарижа

1 Қўллаш соҳаси	1
2 Норматив ҳаволалар	1
3 Атамалар ва таърифлар	1
4 Умумий қоидалар	2
5 Текширишларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби	4
6 Текшириш натижаларини расмийлаштириш	6
7 Текширишларни ўтказиш чоғида Давлат алоқа инспекцияси ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари	7
8 Текширишларни ўтказиш тартибига риоя этилиши бўйича жавобгарлик	9
Библиография	10

РАҲБАРИЙ ҲУЖЖАТ**Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида давлат назоратини ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби****Порядок организации и проведения государственного контроля в сфере связи и информатизации**Амалга киритиш санаси 2011-11-25**1 Қўллаш соҳаси**

Ушбу раҳбарий ҳужжат алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар (мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар), шу жумладан чет эллик фуқаролар (бундан кейин - хўжалик юритувчи субъект) фаолияти устидан давлат назорати (бундан кейин - текшириш)ни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида почта ва телекоммуникациялар хўжалик юритувчи субъектлари фаолияти устидан давлат назорати бўйича Давлат алоқа инспекцияси (бундан кейин - Давлат алоқа инспекцияси) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида давлат назоратини амалга оширади.

Ушбу раҳбарий ҳужжат талаблари Давлат алоқа инспекциясининг барча ходимлари, текшириш ўтказишга жалб қилинадиган тегишли хўжалик юритувчи субъектлар мутахассисларига, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларга тааллуқлидир.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу ҳужжатда қуйидаги норматив ҳаволалардан фойдаланилган:
РД Уз 45.012-98 Почта ва телекоммуникация корхоналарида стандартлаштириш бўйича иш ҳолатини текширувдан ўтказиш тартиби
РН 45-013:2003 Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналарининг метрологик таъминоти ҳолатини текширувдан ўтказиш тартиби

3 Атамалар ва таърифлар

Ушбу ҳужжатда қуйидаги атамалар тегишли таърифлари билан қўлланилган:

3.1 режадан ташқари текшириш: Назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва ҳолларда амалга ошириладиган йиллик (чораклик) текширишлар режасига киритилмаган текшириш (шу жумладан, қисқа муддатли текшириш).

3.2 текширишларни рўйхатга олиш китоби: Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текширишлар тўғрисидаги ахборот киритиладиган расмий ҳужжат ҳисобланувчи текширишларни ҳисобга олиш махсус китоби.

3.3 комплекс текшириш: Бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган текшириш.

3.4 назорат қилувчи органлар: Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралар.

3.5 режали текшириш: Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши томонидан тасдиқланган, назорат органларининг хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш режа-жадвалига мувофиқ амалга ошириладиган текшириш.

3.6 текшириш: Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда улар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши.

3.7 назорат тартибда текшириш: Хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган бузилишларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш.

4 Умумий қоидалар

4.1 Давлат алоқа инспекцияси алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талаблари, лицензиялар (лицензия келишувлари) шартларини бажариш ва уларга риоя қилиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этиладиган хизматлар сифатини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида телекоммуникация ва почта алоқаси тизимлари ҳамда иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланишни таъминлаш бўйича давлат назорати органи ҳисобланади.

4.2 Текширувларни ўтказишдан мақсад алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ҳужжатлар талаблари, лицензиялар (лицензия келишувлари) шартлари бажарилиши, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларига риоя қилинишини назорат қилиш, шунингдек кўрсатиладиган хизматлар сифати, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан телекоммуникация воситалари ва тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш, сертификатлаштириш ва сертификатланган асбоб-ускунани қўллашнинг

белгиланган тартибига риоя қилиниши, маҳсулот ва хизматлар сифатининг ўрнатилган нормаларга мувофиқлиги, алоқа ва ахборотлаштиришнинг универсал хизматларига тарифларни тўғри қўлланилишини назорат қилиш ҳисобланади.

4.3 Давлат алоқа инспекциясининг хўжалик юритувчи субъектлар текширувини ўтказишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши (матнда кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи кенгаш) томонидан амалга оширилади.

4.4 Текширишлар қуйидагилар сифатида таснифланади:

- текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятига тааллуқли барча масалаларни қамраб оладиган режали (комплекс) текширишлар;

- режадан ташқари текширишлар;

- кўрсатмаларнинг бажарилиши устидан назорат тартибидagi текширишлар.

4.5 Режали (комплекс) текширишлар қуйидагича ўтказилади:

- Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори билан белгиланган даврийлик билан ва 30 тақвим кунидан ошмаслиги керак, истисно ҳолларда, Кенгаш қарори билан бу муддат яна 30 тақвим кунидан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин;

- режа-жадвалда белгиланган бошқа назорат қилувчи органлар билан биргаликда.

4.6 Режадан ташқари текширишлар:

- текширувларни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларидан келиб чиққан ҳолларда;

- назорат қилувчи органга хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ёки бошқа қонун ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганида;

- фавқулодда вазиятларни олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

Агар хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини режадан ташқари текширишдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарори билан белгиланган бўлса, Мувофиқлаштирувчи кенгаш ёки унинг вилоят таркибий бўлинмасидан розилик олиш талаб қилинмайди.

4.7 Назорат тартибидagi текширишлар аввалги ўтказилган текшириш натижалари бўйича фақат далолатномада белгиланган муддатларда ва далиллар бўйича амалга оширилади. Текшириш муддатлари Мувофиқлаштирувчи кенгаш ёки унинг вилоят таркибий бўлинмалари билан келишилади.

4.8 Текширишда хўжалик юритувчи субъектларнинг бевосита текшириш ўтказилаётган вақтдан олдинги тўрт йилдан ошмаган фаолияти қамраб олиниши мумкин.

4.9 Давлат алоқа инспекцияси ходимлари аттестация натижаларига кўра текшириш ўтказиши учун берилган махсус гувоҳномаси мавжуд бўлган тақдирда текширишга рухсат этилади.

4.10 Электромагнит мослашув маркази (бундан буён - ЭММ) давлат унитар корхонаси томонидан радиочастота спектридан фойдаланишнинг мониторингини ўтказиш ва техник назорат қилиш жараёнида радиочастоталардан фойдаланиш, ўрнатилган тартибда радионурланишлар учун рухсат этилган параметрлар, давлат стандартлари ва нормаларига риоя этилмаганлиги, радиоэлектрон воситалар (бундан буён - РЭВ) ва юқори частотали қурилмаларни (бундан буён - ЮЧҚ) тайёрлаш, сотиб олиш ва фойдаланиш тартиби бузилганлиги тўғрисида мурожаат қилинган ҳолларда Давлат алоқа инспекцияси қонунбузувчи шахсларга нисбатан Маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги йўриқномага [1] мувофиқ чоралар кўради.

4.11 Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази мурожаат қилган ҳолларда Давлат алоқа инспекцияси N 106 норматив ҳужжатиغا [2] мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳасида шахслар, жамият ва давлат манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун йўналтирилган чоралар кўради.

4.12 Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Давлат алоқа инспекциялари бошлиқлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади ва Маъмурий жавобгарликка тортиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага [1] мувофиқ маъмурий чоралар кўради.

5 Текширишларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби

5.1 Давлат алоқа инспекцияси алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишдан ўтказиш режа-жадвалини (матнда бундан кейин - режа-жадвал) шакллантириш бўйича таклифларни тайёрлаш мақсадида қонун ҳужжатлари талаблари ва аввалги текширишлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларни танлаб олади.

Режа жадвални шакллантириш бўйича таклифлар Мувофиқлаштирувчи кенгашга Текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда [3] келтирилган шакл бўйича тақдим этилади.

Режа-жадвалнинг якуний таҳрири Давлат алоқа инспекцияси билан келишилади ва Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишдан ўтказиш муддати режа-жадвалга мувофиқ белгиланади ва Давлат алоқа инспекцияси билан келишилади.

5.2 Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг режали текширувини ўтказиш учун асос бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланган режа-жадвалдан кўчирма;

- юқорида кўрсатилган режа-жадвалга асосан чиқарилган Давлат алоқа инспекцияси буйруғи.

5.3 Давлат алоқа инспекцияси томонидан ҳар бир хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режали текшириш бўйича Режа-жадвалга асосан буйруқ чиқарилади.

Буйруқда текширишнинг мақсади ва муддатлари, текширишларни ўтказиш зиммасига юклатиладиган мансабдор шахслар таркиби, шу жумладан комиссия раҳбари (матнда кейинги ўринларда - комиссия) номном кўрсатилади.

5.4 Комиссия таркибига белгиланган тартибда қуйидаги корхоналар мутахассислари киритилиши мумкин:

- а) РЭВ ва ЮЧҚдан фойдаланишни амалга ошираётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишда – «ЭМММ» ДУК;

- б) метрология ва стандартлаштириш бўйича фаолиятни ташкил қилиш масалаларини РД Уз 45-012, РН 45-013га мувофиқ кўриб чиқиш учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «UNICON.UZ» - Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази давлат унитар корхонаси («UNICON.UZ» ДУК);

- в) тузилган шартномалар асосида бошқа ташкилотлар.

5.5 Текшириш ўтказишга жалб қилинган мутахассисларнинг кириши учун асос бўлиб Давлат алоқа инспекциясининг текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруғи ва кириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг мавжудлиги ёхуд тузилган шартноманинг мавжудлиги ҳисобланади.

5.6 Комиссия томонидан текширишни ўтказишга тайёргарлик кўриш даврида текширишда кўриладиган масалалар рўйхати кўриб чиқилади, текширишга тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳужжатлар ҳамда текшириш объекти фаолиятига тааллуқли норматив ва бошқа ҳужжатлар, лицензия (лицензия келишуви), хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг аввалги текширувлар натижалари бўйича далолатномалар, маълумотномалар ва бошқа материаллар ўрганилади.

5.7 Комиссия раҳбари текшириш бошланишига бир кун қолганида комиссиянинг текшириш ўтказишга тайёргарлик даражаси тўғрисида Давлат алоқа инспекцияси бошлиғига ҳисобот беради.

5.8 Комиссия текшириш ўтказиш давомида Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартларига амал қилади.

5.9 Комиссия раҳбари текшириладиган объектга келганида:

1) хўжалик юритувчи субъект раҳбарига ёки уни ўрнини босувчи шахсга текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларнинг олинганлиги ҳақидаги тилхат билан бу ҳужжатларни тақдим этади:

- Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тегишли имзо ва кўчирманинг ҳаққонийлигини кўрсатадиган муҳр билан тасдиқланган хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш режа-жадвалидан кўчирма;

- Давлат алоқа инспекцияси раҳбари томонидан тасдиқланган буйруқ ва текшириш ўтказиш режаси (саволнома);

2) хўжалик юритувчи субъектга комиссия аъзоларининг гувоҳномаларини кўрсатиши ва Текширишлар ўтказиш тартиби тўғрисида низомга [4] мувофиқ Текширишларни рўйхатга олиш китобига ёзиб қўйиши зарур.

Шунингдек, текшириш ўтказиш учун бошқа ташкилотлардан мутахассислар жалб қилинган ҳолларда текширувчи орган ва мутахассис юборган ташкилот ўртасида тузилган шартнома нусхаси тақдим этилади.

5.10 Хўжалик юритувчи субъект текшириш ўтказилишидан бош тортган ҳолда, комиссия раҳбари бош тортиш сабабларини кўрсатиб, ихтиёрий шаклда далолатнома тузади ва бу ҳақда Давлат алоқа инспекцияси бошлиғини хабардор қилади.

5.11 Текширишни ўтказиш вақтида натижаларнинг тўлиқлиги ва холисликни таъминлаш мақсадида, текширилаётган хўжалик юритувчи субъект вакиллари қатнашиши шарт.

5.12 Режадан ташқари текширишлар ушбу ҳужжатнинг 4.6-бандида кўрсатилган ҳолларда ва режали текширишлар ўтказиш тартиби сингари ўтказилади.

5.13 Назорат тартибидаги текширишлар аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун кўрсатмада белгиланган муддатларда ўтказилади.

6 Текшириш натижаларини расмийлаштириш

6.1 Ҳар бир текшириш натижалари текшириш ўтказилган сана ва жойи (шаҳар, аҳоли пункти), хўжалик юритувчи субъектнинг номи ва реквизитлари, текшириш натижалари, комиссия аъзолари ва хўжалик юритувчи субъект вакилининг имзолари акс этирилган далолатнома билан расмийлаштирилади. Далолатнома фаолиятнинг муайян тури учун тасдиқланган шакл бўйича расмийлаштирилади.

6.2 Текширишлар далолатномасига қўйиладиган асосий талаблар бўлиб, унинг ҳаққонийлиги, далолатномада кўрсатилган бузилишлар фактлари ва уларни келтириб чиқарадиган сабабларнинг асосланганлиги, қисқа ва лўнда баён қилинганлиги ҳисобланади.

6.3 Текширишлар далолатномаси босма шаклда икки нусхада, бўяшлар ва тўғрилашларсиз, буйруқда белгиланган муддатларда расмийлаштирилиши шарт.

Текшириш далолатномасини босма шаклда расмийлаштиришнинг имкони бўлмаган айрим ҳолларда, аниқ дастхат билан қўлда ёзилишига рухсат этилади.

6.4 Текшириш далолатномасига аниқланган бузилишларнинг тўғрилигини тасдиқловчи иш материаллари (текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг масъул шахслари томонидан тайёрланган ва имзоланган ҳужжатлар нусхалари) мажбурий тартибда илова қилинади. Айрим технологик участкалар (бўлимлар, гуруҳлар, цехлар) ишида ва умуман хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятида бузилишлар ва камчиликлар аниқланган ҳолларда, текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг масъул шахслари томонидан йўл қўйилган камчиликларнинг сабабларини изоҳловчи тушунтириш хатлари тақдим этилади.

Зарур ҳолларда, текшириш далолатномасига телекоммуникация ва почта алоқаси тармоғининг техник воситалари ва тизимлари ишини тавсифловчи маълумотлар ва маълумотлар, шунингдек алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини акс эттирувчи, Давлат алоқа инспекцияси ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқа маълумотлар илова қилинади.

6.5 Текшириш далолатномаси комиссия аъзолари ва текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг масъул шахслари томонидан имзоланади. Далолатнома танишиш учун тақдим этилади ва бир нусхаси шахсан хўжалик юритувчи субъект раҳбарига топширилади.

Агар хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари далолатномани олишдан бош тортса, у ҳолда далолатнома етказиб берилганлик тўғрисидаги хабарномали хат билан почта орқали жўнатилади.

6.6 Агар текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари далолатномада келтирилган камчиликлар тўғрисидаги далилларга рози бўлмаса, далолатномага илова қилинадиган ўзининг алоҳида фикрини баён қилиш ҳуқуқига эга. Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари далолатномага танишганлиги тўғрисида имзо чекишдан бош тортса ёки унда келтирилган далилларга рози бўлмаса, далолатномага бу ҳақда тегишли ёзувларни қайд этади.

6.7 Давлат алоқа инспекцияси текшириш давомида аниқланган ва далолатномада акс эттирилган барча камчиликлар бўйича Давлат алоқа инспекцияси томонидан кўрсатмалар бериш тартиби [5] билан белгиланган шаклга мувофиқ кўрсатма беради.

Кўрсатмада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари, лицензиялар (лицензия келишувлари) талабларининг йўл қўйилган бузилишлари ҳамда талаблари бузилган ҳужжатларнинг бўлимлари, моддалари, бандлари ва боблари кўрсатилади.

Давлат алоқа инспекцияси томонидан берилган кўрсатмаларда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг бажарилиши юзасидан ахборотни тақдим этиш муддатлари белгиланади.

7 Текширишлар ўтказишда Давлат алоқа инспекцияси ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

7.1 Текширувчи мансабдор шахслар ўз ваколати доирасида Текширишлар ўтказиш тартиби тўғрисида низомга [4] мувофиқ куйидагиларга мажбурлар:

- текширилувчи хўжалик юритувчи субъектларга текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатларни тақдим этиш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлашига тўсқинлик қилмаслик;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишларни рўйхатга олиш китобига ёзиб қўйиш;
- давлат сирлари, хўжалик юритувчи субъектнинг тижорат ва бошқа сирларини сақлаш;
- текшириш натижаларини далолатнома билан расмийлаштириш, унинг бир нусхасини хўжалик юритувчи субъектга бериш;
- қонунни бузиш далиллари аниқланган ҳолларда қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чораларни кўриш.

7.2 Давлат алоқа инспекцияси куйидаги ҳуқуқларга эга:

- хўжалик юритувчи субъектларда ўз ваколати доирасида қаршиликсиз текширишни амалга ошириш;
- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат, тармоқ стандартлари талаблари ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилган ҳолларда [6]га мувофиқ уларга санкциялар қўллаш;
- тегишли хўжалик юритувчи субъектлар мутахассисларини амалга оширилган ишлар ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини текшириш учун жалб қилиш;
- давлат ва тармоқ стандартларининг талаб этиладиган нормалари ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини, республика ҳудудида ишлатиладиган телекоммуникациялар воситалари, радиоэлектрон воситалар радионурланишлари ва юқори частотали қурилмалар параметрларининг мунтазам равишда бузилишига йўл қўювчи хўжалик юритувчи субъектларнинг айрим қурилмалари ва технологик участкалари ишини аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар вақтинча тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- телерадио қабул қилишга халақитлар ҳосил қилинишига олиб келган радионурланиш параметрларининг нормалари бузилган тақдирда радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланишга берилган рухсатномаларнинг амал қилишини вақтинчалик тўхтатиб қўйиш;
- бевосита текшириш ўтказиш билан боғлиқ масалалар бўйича зарур маълумотлар ва материалларни хўжалик юритувчи субъектлардан талаб қилиш;

- текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш.

7.3 Хўжалик юритувчи субъект қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўзининг фаолияти текширувдан ўтказилиши тўғрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиш;

- Давлат алоқа инспекциясининг текширувчи мансабдор шахсларидан текшириш ўтказиш учун асос ҳисобланувчи тегишли ҳужжатларни талаб қилиш;

- текшириш ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларни корхона фаолиятини текширишга йўл қўймаслик;

- комиссиядан ўтказилган текшириш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг бир нусхасини олиш;

- ўтказилган текшириш натижалари устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш;

- текширувчи мансабдор шахсларнинг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларини бажармаслик ва текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик.

7.4 Хўжалик юритувчи субъект қуйидагиларга:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг текширувларини рўйхатга олиш китобини тақдим этиш;

- комиссия ишида иштирок этиш учун текшириш ўтказишда кўмаклашишга масъул мансабдор шахслар (ёки мутахассислар)ни ажратиш;

- комиссия аъзоларининг, уларда текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлар (рухсатномалар) мавжуд бўлганда барча объектлар ва бўлинмалар (участкалар, бўлимлар, цехлар)га белгиланган тартибда киришини таъминлаш;

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ва хизматлар кўрсатиш бўйича барча техник, режа, ҳисобот ва бошқа ҳужжатларни комиссияга ўз вақтида тайёрлаб бериш ва тақдим этишни таъминлаш;

- кўрсатманинг бажарилиши юзасидан бажарилган ишлар ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш натижалари тўғрисидаги ахборотни белгиланган муддатларда тайёрлаш ва Давлат алоқа инспекциясига юборишга мажбурдир.

8 Текширишларни ўтказиш тартибига риоя этилиши бўйича жавобгарлик

Давлат алоқа инспекциясининг мансабдор шахслари текшириш далолатномаларида акс этирилган маълумотларнинг ишончли бўлмаганлиги, текширувларни амалга оширишда ўз хизмат мавқеини ва ваколатларини суистеъмол қилганлиги ҳамда ушбу раҳбарий ҳужжат та-

RH 45-028:2011

лабларига риоя қилмаганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Давлат алоқа инспекциясининг раҳбари ҳамда мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувдан ўтказганлиги учун шахсий ҳамда жиноий жавобгар бўладилар.

Библиография

[1] Алоқа соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортиш тартиби тўғрисида йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг 1995 йил 17 августдаги 76-сон буйруғи билан тасдиқланган, Адлия вазирлигида 1995 йил 29 августда 164-сон билан рўйхатга олинган)

[2] N 106:2005 Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази билан Давлат алоқа инспекциясининг маълумотлар узатиш ва телерадиоэшиттиришларни тарқатиш тармоқлари хизматини тақдим этувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш вазифаларини бажаришдаги ўзаро ҳамкорлик тартиби

[3] Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 6 майда 1573-сон билан рўйхатга олинган, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши томонидан 2006 йил 11 мартда 06-01-01-сон қарори билан тасдиқланган)

[4] Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 29 декабрда 1650-сон билан рўйхатга олинган, Адлия вазирининг 2006 йил 29 декабрдаги 213-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган)

[5] Давлат алоқа инспекцияси томонидан кўрсатмалар бериш ва уларни амалга ошириш тартиби (Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган, 2011 йил 26 сентябрда 243-сон буйруқ билан амалга киритилган)

[6] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 14 августдаги «Алоқа соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талабларини, кўрсатилаётган хизматлар сифатини бузганлик учун молиявий санкциялар (жарималар) тўғрисида»ги 318-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон Қарорига мувофиқ киритилган ўзгаришлар билан.

СУТ 03.120

Асосий сўзлар: Давлат алоқа инспекцияси, хўжалик юритувчи субъект, текшириш, назорат

Давлат алоқа инспекцияси
бошлиғи

_____ Ш.Атамухамедов

Давлат алоқа инспекцияси
бошлиғининг биринчи ўринбосари

_____ А.Гафуров

Давлат алоқа инспекцияси
бошлиғи ўринбосари

_____ Ю.Мухчи

Меъёрий ҳужжатлар билан
ишлаш бўлими бошлиғи

_____ Д.Қосимова

Меъёрий ҳужжатлар билан
ишлаш бўлими етакчи муҳандиси

_____ Т.Брызгалова

«UNICON.UZ» ДУК
норма назорати

_____ М.Комилова

RH 45-028:2011

КЕЛИШИЛДИ

Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш агентлиги
Телекоммуникация технологиялари
ва хизматлари бўлими бошлиғи

Ш.Мелибоев
2011 йил 7 сентябрдаги
09-8/3730-сон хати

КЕЛИШИЛДИ

«UNICON.UZ» ДУК
директори

А. Файзуллаев
2011 йил 4 октябрдаги
31-05/1804-сон хати

Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш агентлиги
Почта технологиялари ва
хизматлари бўлими бошлиғи

Т.Чекашкина
2011 йил 16 августдаги
10-8/3448-сон хати

Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш агентлиги
Лицензиялаш ва стандартлаштириш
бўлими бошлиғи

Х.Исаев
2011 йил 5 сентябрдаги
16-8/3701-сон хати

Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш агентлиги
Бош юрисконсулти

Р.Хурсанов
2011 йил 4 ноябрдаги
1-сон хати